# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 24 декабрь, № 259 (6953) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЯНГИ МАЪНАВИЯТ МАСКАНЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 23 декабрь куни Тошкент шаҳридаги бир қатор ижтимоий объектларга ташриф буюрди.**




Президентимиз дастлаб Адиблар хиёбонида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғини халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида боғ ҳудудида Адиблар хиёбони барпо этилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг замонавий биноси билан танишди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносини қуриш ишлари жорий йилнинг июль ойида бошланган эди. Икки қаватли замонавий бинонинг биринчи қаватида "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" журналлари таҳририятлари, "Ижод" жамоат фонди, 150 ўринли фаоллар зали жойлашган. Иккинчи қаватда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви маъмурияти, турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиладиган битта 50, иккита 30 ўринли заллар ўрин олган. Бинонинг ертўла қисмида кутубхона, музей бор.

Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев. Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демакки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез равнақ топади.

Президентимиз бино ичидаги хоналарни кўздан кечирди. Ижодкорларга янада қулайлик яратиш, хоналарни зарур жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан тавсиялар берди. Хусусан, Ёзувчилар уюшмаси кутубхонаси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўртасида онлайн ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Бу Ёзувчилар уюшмасидан туриб Миллий кутубхонадаги китоб фондидан фойдаланиш имконини беради.

Ижодкорлар яратилган шароит, юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдириб, халқимиз маънавиятини бойитиш, ёш иқтидорларни юзага чиқариш борасида бор куч-ғайратини ишга солишларини таъкидлади.

Боғ ҳудудида жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси таъмирланиб, адабий марказ ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари хиёбонда улуғ адибларимиз ҳайкалларини ўрнатиш, атрофни ободонлаштириш ишларига алоҳида ёндашиш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ташриф буюрди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган мазкур университетда уч факультет, ўн иккита кафедра мавжуд.

Ўтган вақт мобайнида ушбу олий таълим муассасасига ажратилган ўқув бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий шароитлар яратилди. Бугун университетда 1 минг 100 нафар талаба таҳсил олмоқда, уларга фан докторлари ва PhD даражасига эга юқори малакали мутахассислардан иборат ўқитувчилар жамоаси дарс бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида мазкур университет бинолари фойдаланишга топширилди.

Университетда таълим жараёни тўлиқ ахборот-коммуникация технологияларига асосланган. Видеоконференция зали, синхрон таржима ва овоз ёзиш хоналари, ахборот-ресурс маркази замонавий технологиялар билан таъминланган. Wi-Fi тармоғига уланган мулоқот масканлари, Алишер Навоий достонларидаги каби кўшклар ташкил этилган.

Мазкур университет юртимиздаги шу йўналишдаги факультетлар учун таянч таълим муассасаси ҳисобланади. Дунёнинг 69 университет ва институтлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз университетда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий асарларининг мультимедиавий луғатини яратиб, халқимизга етказиш, илмий изланишларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбек тилининг халқаро нуфузини ошириш, ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларга таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатишингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев университет мутахассислари билан суҳбатда.

Университетда ташкил этилган хаттотлик лабораторияси барчада катта қизиқиш уйғотди. Бу Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари университет ўқитувчиларининг уй-жойи ва ижтимоий шароитлари билан ҳам қизиқди. Улар учун Тошкент шаҳридан 20 та хонадон ажратиш бўйича топшириқ берди.

Президентимиз пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислом Каримов ва Фурқат кўчалари оралиғида бунёд этилаётган "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик марказининг такомиллаштирилган лойиҳаси билан танишди.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан юртимизга хорижлик инвесторларни жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун барча шароит ва қулайликлар яратилаётир. Дунё тажрибасида ишбилармонлар учун умумий мажмуа сифатида бизнес марказлари яратиш тажрибаси кенг қўлланилади. Бу уларнинг самарали фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Пойтахтимизда барпо этилаётган халқаро ишбилармонлик маркази ҳам замонавий ва қулайлиги жиҳатидан ноёб лойиҳа, дея баҳоланмоқда.

Шавкат Мирзиёев жорий йил 28 октябрь куни "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази барпо этилаётган ҳудудда бўлиб, буюртмачи ва қурувчилар олдида турган вазифалар, ташкилий ва молиявий масалаларни жойида муҳокама қилган, лойиҳаларни янада такомиллаштириш, қурилишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берган эди.

Давлатимиз раҳбари топшириқлар ижроси юзасидан такомиллаштирилган лойиҳаларни яна бир бор кўздан кечирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июлдаги "Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ва пойтахт меҳмонлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудидаги объектларни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича дирекция тузилган.

Президентимиз халқаро ишбилармонлик марказининг маъмурий биносида бўлди. Бу ерда яратилаётган лойиҳалар, иш жараёнини кўздан кечирди.

"Toshkent City" халқаро ишбилармонлик марказининг такомиллаштирилган концепциясига кўра, бино ва иншоотлар турли қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилмоқда. Лойиҳаларни мамлакатимиз ишбилармонлари Хитой, Туркия, Жанубий Корея каби давлатларнинг инвесторлари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Шавкат Мирзиёев қурилишга жалб қилинган инвесторлар билан суҳбатлашди. Уларнинг фикрлари ва ташаббуслари билан қизиқди.

Бугун халқ тилида "шаҳар ичидаги шаҳар", дея эътироф этилаётган марказ қурилиши икки босқичда яқин тўрт йилда якунига етказилади.

Президентимиз "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик марказида қурилаётган бино ва иншоотларнинг бир-бирига уйғун бўлиши, дизайн жиҳатидан бири иккинчисини тўлдириши кераклигини таъкидлади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

*Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.*

ЭЪТИРОФ

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – УЗОҚНИ КЎРА ОЛАДИГАН ДАВЛАТ РАҲБАРИ

**Нобуаки Ито,**
**Япониянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Президент Шавкат Мирзиёев биринчи маротаба мамлакат парламентига Мурожаатнома билан чиқди. Давлат раҳбари ўз нутқида ортда қолаётган йил якунлари хусусида атрофлича тўхталди. Бу давр мобайнида сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналарига ўз саволлари билан мурожаат қилган одамларнинг кўп сонли муаммолари ҳал этилди. Ўз мамлакатимнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мен шу қадар узоқни кўра оладиган давлат раҳбари билан ишлаш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман ҳамда бу билан фахрланаман. Умид қиламанки, келгуси йили давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янада самарали бўлади.

**Владимир Тюрденев,**
**Россия Федерациясининг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламентига Мурожаатномаси ҳам ҳозирги кун, ҳам истиқбол нуқтаи назаридан сиёсат учун ўта муҳим воқелик ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат раҳбари 2018 йил қандай соҳага бағишланишини айнан ушбу Мурожаатномада белгилаб бергани бежиз эмас. Ўйлайманки, фаол тадбиркорликни, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш энг оқилона танловдир.

Мен Шавкат Мирзиёевнинг нутқини катта эътибор билан тингладим, қўлимга қалам олиб, кўпгина фикр-мулоҳазаларни ўзим учун қайд этиб қўйдим. Шу билан бирга, бугун мамлакатингиз етакчиси эътибор қаратган қатор муҳим масалаларда Россия ва Ўзбекистоннинг нуқтаи назарлари жуда ўхшаш эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Президентининг нутқи қизиқарли, ҳаяжонли ва бундан ташқари, жуда самимий бўлди, деб ҳисоблайман.

**Аҳмет Башар Шен,**
**Туркия Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қалб тўридан чиққан жуда қизиқарли нутқини тингладик. Давлат раҳбари мамлакатда мавжуд бўлган, ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳақида лозим даражада очиқ сўзлади. Бу бюрократия, мансабдорларнинг бугунги воқеликларга тўғри келмайдиган эскича фикрлаши билан боғлиқ бўлди.

Биз Ўзбекистонда яқин келажакда амалга ошириш режалаштирилган давлат ва халқнинг мақсад ҳамда вазифалари ҳақида батафсил маълумот олдик. Хусусан, 2018 йил республикада "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди. Ўйлайманки, бу ўринда фаол тадбиркорлик ёшлар ўртасида соҳа вакиллари сонини кўпайтиришни назарда тутади. Бу жиҳат Туркиянинг элчиси сифатида мен учун муҳимдир. Чунки мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда турк сармояларини жалб этиш ҳамда савдо юритиш мақсадларида бизнес доиралар вакиллари орасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси келгуси йилда катта ишларни амалга оширишимиз кераклигини англатади.

**Ерик Утембаев,**
**Қозоғистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси тўла-тўкис ва кўп қиррали бўлди, барча соҳани ислоҳ қилиш бўйича янги ёндашувлар, таклифлар айтилди. Дарҳақиқат, депутатлар корпуси ҳамда сенаторлар олдига марказлашувга барҳам бериш, бу борада қабул қилинадиган қарорларга жавобгар кишиларнинг масъулияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдек катта вазифа қўйилди.

Давлат раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик зарур эканлигини таъкидлаб, жорий йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган Қозоғистон билан алоқалар аҳамияти ва бу борада бизларнинг стратегик шериклигимиз муҳим эканлигини таъкидлагани менга мамнуният бағишлади.

Кириб келаётган йил Ўзбекистонда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилингани эътирофга сазовор. Чунки мамлакат рақобатбардошлиги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларидан бири сифатида белгиланган. Халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар яхши йўлга қўйилган, сармоявий ҳамкорлик бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилган.

**Дато Норайни бинти Абд Ҳамид,**
**Малайзиянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Президентнинг нутқи маълумотларга ҳамда мазмунга беҳад бой, Ўзбекистон учун жуда муҳим бўлди. Чунки мазкур Мурожаатнома юртингиз тараққиёти учун устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди. Шу билан бирга, давлат раҳбари бир нечта муҳим ташаббусларни илгари сурди. Бу ташаббуслар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳаётида ўта катта аҳамиятга эгадир. Ишончим комилки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи билан биргаликда бу мақсад ва интилишларни ҳаётга татбиқ этишга муваффақ бўлажак.

**«Жаҳон» АА.**

## Самимий мулоқот, очиқ суҳбат, халқ билан диллашув

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этди. Очиқ ва самимий руҳда ўтган ушбу тадбирда одамларни ўйлантириб келаётган, тараққиётимизга ғов бўлаётган кўпдан-кўп муаммолар очиқ-ойдин тилга олинди. Дилда бору тилга чиқариб бўлмасдек туюлган фикрлар айтилди. Баландпарвоз иборалар, сохта рақамлар эмас, аччиқ бўлса-да, ҳақиқий кўрсаткичларга таянилди. Шу боис бундай жасорат ва қатъият одамларнинг ишончи, ҳурматини қозониб, дунёқарашини ўзгартириб юборди, десак, асло муболаға эмас.*

*Айни кунларда таҳририятимизга юртимизнинг турли ҳудудларидан Президентимиз Мурожаатномасига муносабатлар билдирилган минглаб хатлар, электрон мактублар келаяпти, телефон қўнғироқлари бўлмоқда. Уларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутдик.*

МУНОСАБАТ

**Равшан УМАРОВ,**
**"Эко пром стандарт" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси раҳбари (Тошкент шаҳри):**

— Куни кеча бўлиб ўтган нуфузли анжуманда иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини катта қизиқиш, иштиёқ билан тингладик. Тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, ишбилармонларга кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш борасидаги ҳар бир фикрлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Айниқса, Юртбошимиз таклифи билан 2018 йилнинг мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланганидан бир қувонган бўлсак, барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилганини эшитиб, ўн чандон севиндик. Бу биз, ишбилармонларга юксак ғамхўрлик ҳамда ишончнинг яна бир амалий тасдиғидир.

"Эко пром стандарт" бундан уч йил муқаддам Жанубий Кореянинг 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияси иштирокида ташкил қилинган бўлиб, нефть-газ соҳаси корхоналарига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган. Президентимиз томонидан бизнес юритиш учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар жамоамизни янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашга руҳлантирмоқда. Хусусан, биз ўз олдимизга 2018 йилда фаолиятимизни кенгайтириб, яна 20 та иш ўрни яратишни мақсад қилиб қўйдик.

**Шарап УСНАТДИНОВ,**
**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби:**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномасини зўр мамнуният билан эшитдик. Бу маъруза баландпарвоз гаплардан холи, ҳаётий мисолларга бойлиги ва энг муҳими, самимийлиги билан қалбимиздан чуқур жой олди. Бу бежиз эмас. Негаки, давлатимиз раҳбари қаерда, қандай мақомдаги йиғилиш ёки учрашув бўлмасин, ҳар доим эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаш ҳамда бунинг учун фидойилик билан меҳнат қилиш зарурлигини бот-бот таъкидлайди. Ҳаммани шу эзгу ишга сафарбар этади.


(Давоми 3-бетда).




## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиалига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 5-уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 01/703 UCA бўлган, «Epica» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 64 353 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2018 йил 8 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 5 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби, деб топилган шахсга 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

*Гувоҳнома № 001805.*

1509R/146




ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

## «Universal realtor» МЧЖ

**тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларга таклиф этади.**

**I.** Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдога «Toshkent qog'ozi» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган, 1 ва 2 ҳудудлардан иборат, ер майдони 11,32 гектар, шу жумладан, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 40 520,0 кв. м. бўлган кўчмас ва бошқа мулклар қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 48 015 356 794 сўм.**

**Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар шартлари:**

- тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Toshkent qog'ozi» МЧЖ бундан мустасно) тўланади;
- савдо ғолиби объект сотилиш баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт;
- тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 3 (уч) йилдан ошмаган муддатда тўлаб берилиши лозим;
- ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, олди-сотди шартномасини расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда гаров таъминоти билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
- тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотишда иштирок этиш учун талабгор мажбуриятлари бажарилишининг таъминланиши сифатида тўланган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

**II.** Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдога Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчасида жойлашган, ер майдони 15,42 гектар, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 69750,68 кв. м. бўлган кўчмас мулклар (1-участка).

**Бошланғич баҳоси — 24 085 476 824 сўм.**

**2.** Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчасида жойлашган, ер майдони 15,02 гектар, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 24298,77 кв. м. бўлган кўчмас ва бошқа мулклар (2, 2-1 участка).

**Бошланғич баҳоси — 17 411 911 532 сўм.**

**Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар шартлари:**

- тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 3 (уч) йилдан ошмаган муддатда тўлаб берилиши лозим;
- ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар (давлат божи, нотариал тасдиқлаш ва бошқалар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
- тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотишда иштирок этиш учун талабгор мажбуриятлари бажарилишининг таъминланиши сифатида тўланган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар ҳамда талабгорлар таклифи билдирилган конвертларни очиш 2018 йил 26 январь куни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар ва буюртманомаларни қабул қилиш эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан таклиф ва буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йил 25 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Ушбу мулклар 2018 йил 26 январдаги музокараларда сотилмай қолган тақдирда, такрорий музокаралар 2018 йил 30 январь, 2, 7 февраль кунлари соат 12.00 да юқорида кўрсатилган шартларда ва манзилда бўлиб ўтади. Такрорий музокаралар бўйича таклиф ва буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йил 29 январь, 1, 6 февраль кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
- тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхада муҳрланган конверт ичида сотиб олиш суммаси ва тўловларни тўлаш муддатлари тўғрисидаги таклифлар. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгор имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланган бўлиши лозим.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**

**100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй, «Universal realtor» МЧЖ. Телефон: (0-371) 150-35-55. Факс: (0-371) 236-74-67. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

1505A/809

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6768

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.00 Топширилди — 23.55 1 3456